SamimiyAudit
tezkor yechim, sifatli taqdim

AUDITORLIK TASHKILOTI
Ўз.Р.МВ 2019 йил 5 апрел хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш АФ № 00766 лицензияси

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

"NAMANGAN CHORSU DEHQON UNIVERSAL BOZORI" aksiyadorlik jamiyati раҳбариятига йулланган аудиторлик хулоса

Адресат:	**"NAMANGAN CHORSU DEHQON UNIVERSAL BOZORI" aksiyadorlik jamiyati**
Манзили:	Наманган шахри Уйчи кучаси 333-уй
Хисоб раками:	20208000500379572001 "Туронбанк" Наманган булими МФО: 00226
СТИР:	200055321, ИФУТ 68201
Аудит ташкилоти	**MChJ "SAMIMIY AUDIT" auditorlik tashkiloti**
Руйхат раками:	№ 366, 10 январ 2008 йил Уз.Р. Адлия Вазирлиги
Лицензия:	АФ № 00766, 5 апрел 2019 йил Уз.Р. Молия Вазирлиги
Ташкилот директори:	Ахмаджанов Мухтор Махмуджанович. Ауд.сер. № 00733 5.02.2001й
Манзили:	Наманган шахри, Намуна кучаси 35 уй, Ширкат идораси 2 кават
Хисоб раками:	20208000004670677001 Асакабанк Наманган булими МФО 00231
СТИР:	206944438, ИФУТ 69202, тел.: (369) 227-55-80. *e-mail* : samimiy-hulosa@mail.ru

Мен, Молия Вазирлигининг 2001 йил 5 феврал № 00733 сонли малака сертификатига эга аудитори Ахмаджанов Мухтор Махмуджанович томонимдан, аудиторлик ташкилотига «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи» лицензияга асосида хўжалик юритувчи субъект "NAMANGAN CHORSU DEHQON UNIVERSAL BOZORI" aksiyadorlik jamiyatининг бухгалтерияси томонидан тақдим этилган, Корхона баланси, Молиявий натижалар тугрисидаги хисоботи, Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот ва Хусусий капитал тўғрисидаги хисоботидан иборат, 2018 йил 31 декабр холатига бўлган молиявий хисоботининг ишончлилигини, 2019 йил 27 март № 8 шартномага асосан мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз "NAMANGAN CHORSU DEHQON UNIVERSAL BOZORI" aksiyadorlik jamiyatининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект "NAMANGAN CHORSU DEHQON UNIVERSAL BOZORI" aksiyadorlik jamiyatiнинг 2018 йил 31 декабрхолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Жамият директори: **Ахмаджанов Мухтор Махмуджанович**

Хулоса тузилган сана 17 май 2019 йил